Қуйида келтириладиган фикрлар, ҳикматлар ижтимоий тармоқлардаги турли саҳифалардан олиб таржима қилинган. Бундан ташқари саҳобаи киромлар, улуғ олимлар, Яқин Шарқ, Осиё, Европа ва Америка мутафаккирларининг бир қатор фикрлари ҳам берилган.

*****

**Мўминларнинг онаси Оиша розияллоҳу анҳо**

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қалбларида Оиша розияллоҳу анҳонинг ўзига хос ўрнилари бор эди. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам Оиша розияллоҳу анҳога бўлган муҳаббатларини зоҳир қилар, махфий тутмас эдилар.

Амр ибн Осс розияллоҳу анҳудан ривоят қилинишича, албатта, Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам у кишини Зотус салосил қўшинига қўмондон этиб юбордилар. У киши (Амр розияллоҳу анҳу) дедилар: “У зот соллаллоҳу алайҳи васалламнинг олдиларига бордим ва: “Инсонларнинг қайсиниси сизга маҳбуброқ?” дедим. У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Оиша” дедилар. “Эркакларданчи?” дедим. У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Унинг отаси” дедилар. “Кейин ким?” дедим. У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Кейин Умар ибн Хаттоб” дедилар. Шу тарзда (бир неча) кишиларни санадилар”.

Муттафақун алайҳ.

*****

**Аёлнинг ақли ва дини ноқислигининг сабаби**

«Саҳиҳайн»даги Абу Саид ал-Худрий розияллоҳу анҳунинг ҳадиси:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Қурбон ҳайити ёки Рамазон ҳайити куни намозгоҳга чиқа туриб, аёллар ёнидан ўтдилар ва: **«Эй аёллар жамоаси, садақа**

[ SAVIYA.UZ ]. Барча ҳуқуқлар ҳимояланган. Сайтдан маълумот олинганда ёки бошқа сайтларга жойлаштирилганда сайт номи ҳаволаси билан кўрсатилиши шарт!

**қилинглар, чунки, мен дўзах аҳлининг кўпи сизлар эканингизни кўрдим»** дедилар.

Улар «Нима сабабдан шундай, эй Расулуллоҳ?» деб сўрашди.

У зот **«Лаънатни кўпайтирасизлар ва эрга нонкўрлик қиласизлар. Ақли ва дини ноқис бўла туриб, сизларнинг бирингиздан кўра эҳтиёткор эркакнинг ақлини кеткизувчироғини кўрмадим»** деб жавоб бердилар.

Улар «Динимизнинг ва ақлимизнинг ноқислиги нима, эй Расулуллоҳ?» дея сўрашди.

У зот **«Аёлнинг гувоҳлиги эркак гувоҳлигининг ярмига тенг эмасми?!»** дея сўрадилар.

Улар «Тенг» дейишди.

У зот **«Мана шу ақлининг ноқислигидандир. Аёл ҳайз кўрганда, намоз ўқий олмай, рўза тута олмай қолмасмиди?!»** дедилар.

Улар «Шундай» дейишди.

У зот **«Мана шу динининг ноқислигидандир»** дедилар».

*****

Ким уни, яъни намозни муҳофаза қилса, намоз у учун нур, бурҳон (ҳужжат) ва дўзахдан нажот бўлади.

*Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу*

*****

Ушбу тўрт нарса биз учун яхшироқ ва боқийроқдир:

[ SAVIYA.UZ ]. Барча ҳуқуқлар ҳимояланган. Сайтдан маълумот олинганда ёки бошқа сайтларга жойлаштирилганда сайт номи ҳаволаси билан кўрсатилиши шарт!

2. Субҳаналлоҳ.
4. Алҳамдулиллаҳ.
6. Лаа илаҳа иллаллоҳ.
8. Аллоҳу акбар.

*“Ховатир роқия журнали”*

*****

Аллоҳнинг тақсимига рози бўлинг! Худди ҳамма нарсаси бор киши каби бўлинг! Аллоҳнинг сиз учун ёзиб қўйгани сиз хоҳлаган нарсалардан яхшироқ, латифроқдир.

*“Ховатир роқия журнали”*

*****

**Дунё уч кун...**

2. Кеча ўтди ва у ҳаргиз қайтмайди.
4. Бугун яшаяпмиз ва у ҳам узоқ давом этмайди.
6. Эртага эса, қаерда бўлишимизни билмаймиз.

Шундай экан, инсонларни кечир, халқни Холиққа қўйиб бер. Мен ҳам, сен ҳам, улар ҳам, барчамиз кетувчимиз. Қалбингнинг туб-тубидан сенга ёмонлик қилганни кечир!

*“Ховатир роқия журнали”*

*****

Ер юзида Ислом динини илк қабул қилган инсоннинг аёл киши бўлгани аёлларнинг фахрланишлари учун етарлидир.

Бу аёл биз мўминларнинг онаси Хадийжа розияллоҳу анҳодир.

[ SAVIYA.UZ ]. Барча ҳуқуқлар ҳимояланган. Сайтдан маълумот олинганда ёки бошқа сайтларга жойлаштирилганда сайт номи ҳаволаси билан кўрсатилиши шарт!

*****

Агар 30 долларлик соат тақсанг ёки 3000 долларлик соат тақсанг ҳам, барибир, бир хил вақтни кўрсатади.

Агар 30 долларлик сумкага эга бўлсанг ёки 300 долларлик сумкага эга бўлсанг ҳам, барибир, ичидаги нарса ўзгармайди.

Агар 300 метрлик уйда яшасанг ёки 3000 метрлик уйда яшасанг ҳам, барибир, ёлғизликни ҳис қилиш бир хил бўлади.

Охир-оқибат автобуснинг олди ўриндиғига ўтирсам ҳам ёки орқа ўриндиғига ўтирсам ҳам, барибир, манзилимга бир вақтда етиб боришимни тушуниб етдим.

Фарзандларимизга бой бўлишларини эмас, балки, қандай қилиб бахтли бўлишларини ўргатайлик. Ана ўшанда улар катта бўлганларида, нарсаларнинг нархига эмас, қийматига, қадрига назар соладиган бўладилар.

Қалбимизни фоний дунёга эмас, балки, абадий Охират ва Жаннатга боғлайлик!

*****

Тирикнинг ёлғизлиги — унинг ёнида бирор киши бўлмаслигидир. Ўликнинг ёлғизлиги — унинг учун бирор киши дуо қилмаслигидир.

*****

Ибн Умар розияллоҳу анҳумо шундай деганлар:

«Албатта, мен ташқарига, инсонларга салом беришим ва улар менга салом беришлари учун чиқаман».

*****

[ SAVIYA.UZ ]. Барча ҳуқуқлар ҳимояланган. Сайтдан маълумот олинганда ёки бошқа сайтларга жойлаштирилганда сайт номи ҳаволаси билан кўрсатилиши шарт!

Атрофимиздаги шахсларнинг ҳақиқатини фақат Аллоҳ билади. Шунинг учун доимо:

“Эй Аллоҳ, менга яхшиликни раво кўрадиган кишига мени рўпара қил ва уни менга рўпара қил! Менга ёмонликни раво кўрадиган кишидан мени буриб юбор ва уни мендан буриб юбор!” деб айтинг.

*“Ховатир роқия журнали”*

*****

«ҚАЛБЛАР ҲАЛОЛ ЛУҚМА ЕЙИШ САБАБЛИ ЮМШАЙДИ».

*Имом Аҳмад ибн Ҳанбал раҳимаҳуллоҳ*

*****

Агар аёл ўқиб-ўрганса, турмушга чиқса, яхши кўрса, ихлосли бўлса, ҳомиладор бўлса, фарзандни дунёга келтирса, эмизса, тарбия қилса, ишласа, безовталик ва қўрқувга бардош берса, охирида буларнинг ҳаммасини ноқис ақл билан қилган бўлса!

Агар ақли ноқис бўлмаганда қандай бўларди?!!

*“Ховатир роқия журнали”*

*****

30 ёшларида мусулмон бўлдилар. 36 ёшларида вафот этдилар. 6 йил…

Эй Саъд ибн Муоз розияллоҳу анҳу! Вафотингиз сабабли Раҳмоннинг Арши титраши учун ўша 6 йил мобайнида нима амал қилдингиз?!!

*****

– Менга жаннатнинг неъматларини васф қилиб бер, дея сўради.

– У ерда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам борлар, деди.

[ SAVIYA.UZ ]. Барча ҳуқуқлар ҳимояланган. Сайтдан маълумот олинганда ёки бошқа сайтларга жойлаштирилганда сайт номи ҳаволаси билан кўрсатилиши шарт!

*“Ховатир роқия журнали”*

*****

Соғлом ҳолингда чириган бўйра устида ухлашинг бемор ҳолингда олтин кароват устига ётқизиб қўйилишингдан яхшидир.

*«Алкалимут тоййиб»*

*****

Тилдан кўра қамоқда узоқроқ сақлашга лойиқ ҳеч нарса йўқ.

*Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳу*

*****

Қанча кўп гапирсанг, шунча кўп хато қилаверасан. Аммо Аллоҳни қанча кўп зикр қилсанг, гуноҳларинг ҳам шунча кўп ўчирилаверади.

*Интернет материалларидан тўплаб, таржима қилувчи*

***Нозимжон Иминжонов***

*muslim.uz*

[ SAVIYA.UZ ]. Барча ҳуқуқлар ҳимояланган. Сайтдан маълумот олинганда ёки бошқа сайтларга жойлаштирилганда сайт номи ҳаволаси билан кўрсатилиши шарт!